

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бешинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

(Боши 1-бетда)

Бунда, хусусан, шу нарса белгиланмоқдаки, қонунчиликда кўзда тутилган фаолият турларига лицензиялар камида 5 йил мuddатга берилади.

«Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддасига ўзгартириш киритиш, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш масалаларига оид айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топилган ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳам парламентнинг юқори палатаси томонидан маъқулланди. Ушбу ҳужжатда давлат корхоналари ва мулкнинг айрим турларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш буйича чекловлар белгиланган.

Сенаторлар «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш киритиш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқиш, унда изчиллик ва бошқа қонун ҳужжатлари билан уйғунлик етишмаслиги тўғрисида унинг айтишларидир.

Юқори палата аъзолари «Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги Шартнома ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқиш, минтақада кооперация алоқаларини йўлга қўйишга хизмат қилишига алоҳида эътибор қаратдилар.

«Ўзбекистон Республикасининг 1968 йил 8 октябрда Локарнода имзоланган Саноат намуналарининг халқаро тасни-

фида таъсис этиш тўғрисидаги Локарно битимига қўшилиши ҳақида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 1 июнда Женевада Дипломатик конференция томонидан қабул қилинган Патент ҳуқуқи тўғрисидаги Шартномага қўшилиши ҳақида»ги ҳамда «ГУОМ иштороки давлатларининг қонунийлик масалалари буйича ҳужжатлар буйича вакилининг (Омбудсманнинг) 2005 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисобот тингланди.

Сенатнинг ялпи мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари буйича вакилининг (Омбудсманнинг) 2005 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисобот тингланди.

Парламентнинг юқори палатаси аъзолари Ўзбекистон Республикаси Президентининг тавсияларини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг Украина, Покистон Ислому Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиларини тайинладилар, Ўзбекистон Республикасининг Исроил Давлатидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчисини лавозимидан озод қилдилар.

Мажлисида Сенат ваколатига кирувчи бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилиб, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бешинчи ялпи мажлисида мамлакатда амалга оширилаётган демократик, социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислохотларни чуқурлаштиришда муҳим аҳамиятга эга бўлган жами 23 та масала, шу жумладан, 15 та қонун кўриб чиқилди.

«Маънавият хонаси» ҳам чўгдек безатилган. Бу ерда болалар кундалик матбуот билан танишдилар. Тарбиячи-устозлардан сабоқ олиб, руҳан юксалдилар.

Малакали ҳақим Дониёр Қозоқов, 3 нафар ҳамшира ва 1 нафар тиш касалликлари шифокори болалар саломатлигига жавоб беради. Шинам ётоқхоналар, дам олиш хоналари болаларнинг оромбахш, серзавқ кунлигига гувоҳ. Нафисламбардин айтганда, бу сўлим гўшда улғайётган келажакимиз соҳибларини асло ўқсиқ, деб бўлмайди. Улар давлат химосиди. Олижаноб инсонлар меҳр-муруватидан баҳраманд.

«Меҳрибонлик уйи» ўтган йил капитал таъмирланди. Бино таъмири учун ҳомиёлар 40 миллион сўм ажратди. Бунда Марғилон «Сувоқова» идораси, Марғилон деҳқон бозори, шаҳар саноат-қурилиш, пахта ва ўқув банклари,

2006 йил — Ҳомиёлар ва шифокорлар йили

Фаргона тўқимачилик комбинати ва бошқаларнинг саховати номён бўлди. Шунингдек, таъмир ишларига бюджет маблағидан 20 миллион сўм сарфланди.

Бундан ташқари, болалар уйлариغا 40 миллион сўмлик хона жиҳозлари Бюджет меҳел корхонасидан пул ўтказиш йўли билан келтирилди.

Мавриди келганда айтиб ўтиш жоиз, Халқ таълими вазирлигининг кўчма қол-

САХОВАТ у ҳеч кимни четлаб ўтмамай

легиаси мазкур «Меҳрибонлик уйи»да ўтказилганлик ҳам кўп нарсани аңглатди. Унда республикадаги барча махсус мактаб-интернат, меҳрибонлик уйлари, махсус мактаблар қурилиши широк этди. Ийгилиш қарори билан тўх-фа сифатида 1 синф компьютер жамгар-маси мазкур «Меҳрибонлик уй-ига» қурилди. Бугина эмас, жорий йилда Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи маъмурияти «Меҳрибонлик уйи» учун замонавий ҳаммом қуриб бериш масъулиятини ўз зиммасига олди.



Техника — деҳқон қаноти дейишди. Бунга яхши билган Туртқул туманидаги 1-машина трактор парки хиссадорлик жамияти аъзолари тумандаги қўлаб фермер хўжалиқлари-га, муқобил машина трактор паркларига ва бошқа ташиқ-лотларга сифатли техник таъмирлаш хизмати кўрсатиб кел-моқдалар.

Бундан ташқари жамиятда-ги техниклар ёрдамида туман далаларидаги ер суриш ишлари ҳам амалга оширилди. Айни пайтда бу ерда саккиз та мўлчан трактори ва ўн та турли автомашиналар мавжуд.

Кейинги пайтда хиссадор-лик жамиятида иш сифати-га алоҳида эътибор қаратил-моқда. Натижанда ўтган йили жамият аъзолари томонидан 82 миллион сўмлик иш бажарил-ди.

Суратларда: ҳайдовчи Умиджон Сапаев; жамият ишчилари Собир Курбонбоев ва Ҳамдам Аскарқоров.



Б.АЛЛАШЕВ (ЎЗА) олган суратлар.

РИШТОН ЧЕРЕПИЦАЛАРИ

Риштон туманидаги «Asia Paints Keramik» Ўзбекистон-БАА қўшма корхонасида иш-лаб чиқарилаётган юқори сифатли ва экологик тоза маҳсулотларга талаб ортиб бораёт-тир.

«Бир вақтлар Риштонда тайёрланган керамика маҳсулотлари бутун дунёда машҳур бўлган. Биз ана шу нуфузни қайта тиклаш учун ҳаракат қилганимиз, - дейди қўшма корхона директори Абдуғани Абдукаримхўжаев. - Ҳозир корхонада харадорлиг керамик черепицалар ишлаб чиқарила-моқда.

Қирқдан ортиқ киши меҳнат қилаётган корхонада ўтган йили 120 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Замонавий дастгоҳларни ўрнатиш ишлари ниҳоятда етказилган-ти. Бунинг самараси ўлароқ яна 40 та янги иш ўрни қозони.

Қўшма корхона жамоаси бу йил 400 миллион сўмлик маҳсулотни савдога чиқаришни мўлжалламоқда.

Истиқлол берган имкон

Мамлакатимизда олиб борилаётган табиғий ислох қилиш борасидаги дастурдан қўзланган асо-сий мақсад инсон саломатлигини асраш ва аҳоли-тийибий маданиятини юксалтиришдан иборат. Бу бо-рада Хоразм вилояти соғлиқни сақлаш бошқарма-си томонидан бир талай ишлар амалга оширил-ди. Хусусан, Янгйбозор ва Гурлан туманларида ишга-туширилган янги КВПлар фаолияти аҳоли саломат-лигини мустаҳкамлашда муҳим рол ўйнапти.

ҲАММАСИ ҲАЗРАТИ ИНСОН УЧУН

Янгйбозор тумани Марказий шифокониси энг замонавий тиббиёт масканлари-дан биридир. Ўтган йилда фойдаланишга топширилган бу шифо масканини қуриш учун жами 450 миллион сўм маблаг сарфланган бўлса, унинг 150 миллион сўми ҳомиёлар томонидан ажратилди.

Шифоконда беморлар дарадига махкам бўлиш учун барча замонавий тиббиёт усулларини мавжуд. Янги лаборатория жиҳозлари, вилоят бошқармаси томонидан ажратилган УЗИ апарати, жаррохлик операцияларини ўтказиш учун ускуналар шифокорлар ишини осонлаштирди. Тез тиббий ёрдам бўлимига иккита янги «Дамас» русумли автомашина сотиб олинди.

«Президентимиз ўтган йили вилоятимизга ташириш чоғида шифоконимизда бўлиб, унинг қурилиши билан танишди ҳамда ўзларининг қимматли маслаҳатларини бердилар, - дейди бош шифокор И.Машарипов. - Галдаги вазифалар эса тиббиёт ходимлари учун муносиб меҳнат шaroитларини яратиш, аҳолига қўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини кўтаришга йўналтирилган меҳнатни рағбатлантиришнинг янги тизимини жорий этиш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, замонавий ускуналардан самарали фойдаланишни таъминлашдан иборат.

Ҳозирда Марказий шифоконда қабул, диагностика, шовишнинг тиббий ёрдам, терапия, педиатрия бўлимларини ва акушерлик гинекология комплексини ташкил этиш ҳамда зарур ускуналар билан жиҳозлаш мақсадлари учун 10 миллион сўм маблаг ажратилган. Шунингдек, «Оёқдурман» кишлоғи марказида ҳамда «Уйгур» кишлоғида янги КВП лар

қурилиши мўлжалланган. Умуман олганда янгйбозорлик тиббиёт ходимлари «Ҳомиёлар ва шифокорлар йили» дастурига мувофиқ бир талай тадбирларни амалга оширишни режалаштиришган.

Гурлан тумани вилоятнинг энг четта худудларидан саналади. Бу ерда 116 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Уларга 400 ўринли Марказий шифоконининг жаррохлик, шовишнинг тиббий ёрдам, терапия, тўғруқхона бўлими, сил касаллик-лари диспансери, асаб касаллик-лари ҳамда болалар бўлимлари намунали хизмат қўрсатяпти. Туманда 14 та КВП ва 5 КВА фаолият олиб борапти. Ўтган йили «Вазир» ширкат хўжалигида битта янги замонавий қишлоқ врач-лик пункти ишга туширилди.

«Саломатлик-1» лойиҳаси буйича 11 та КВП вилоят асбоб ускуналар билан таъминланди. Ҳозирда «Деҳқонбод» ширкат хўжалигида аҳоли талаби асосида янги КВП қуриш ишлари бошлаб юборилган.

Ўтган йил давомида ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган бемор ва фуқароларга 7 миллион сўмлик бепул дори - дармонлар амбулатория шaroитида даволаниш учун сарфланди.

Жорий йилда олдимизда янада муҳим вазифалар турибди, - дейди бош шифокор С.Шамуратов. - Тумандаги олтига таянч пунктлари ўрнида янги замонавий КВПлар ташкил қилиниши лозим. Шунингдек, Марказий шифокон ҳамда болалар, юқумли касалликлар бўлимларининг канализация қувурлари иш-лаштирилиб, таъмирлаш аш-ларини амалга оширишни режалаштириганимиз.

Абдулхай ЮНУСОВ, «Ишонч» мухбири

Жамоа шартномалари қандай бажарилмоқда?

Сирдарё иссиқлик электр станциясининг вилоятдаги улуши катта. Шу боис ҳам бу ерда иш интизомини, топширилган юмуш ижроси, ходимлар масъулиятига қатъиятлик бор. Кўп, ки-шилик жамоада ходимлар манфаати устувор даражага кўтарилган. Тасав-вур қилинган, 1400 нафардан ошдиқ одам нуқолай иш шaroитида, 368 на-фар киши эса кимёвий зарарлар хавфи мавжуд бўлган вазиятда фаолият қўрсатишди. Корхона ана шуларга муайян шарт-шaroит яратиш, меҳнат қонунларида кўзда тутилган, жамоа шартномасида қайд этилган имтиёзлар билан таъминлаш даркор. Эътиборли жиҳати, ишлаб чиқариш билан боғлиқ ҳодисалар рўй бермаслигига астойдил ҳаракат қилина-япти. Бу борада муайян ишлар қилин-ган, албатта. Энг аввало ишчиларнинг билим ва кўникмалари оширилиб, ил-гор тажрибалар тарғиб этиляпти. Му-ҳандис-техник ходимлар масъулияти оширилиб, жавобгарлик хисси кўнай-тирилган.

тадики, муайян иқтисодий танглик, баъзи маҳсулотлардаги тахшилик зимма-ла олган вазифани бажаришга изн бер-мади. Сут-қатиқ маҳсулотлари билан таъминланиши лозим бўлган 1708 на-фар киши ана шу имкониятдан бебаҳ-ра қоляпти. Тўғри ёрдамчи хўжалик кўмағида 94 нафар одам захар кесувчи сут-қатиқ олашга эришди. Бу муаммо-ни ҳал этишга бўлган уринишлар айни чоққача самара бергани йўқ. Лекин хис-

сиздорлик жамияти маъмурияти ва касаба уюшма ташкилоти бу борадаги саъй-ҳаракатларини тўхтайтиб қўйгани йўқ. Имконият ажратилиб, қўшимча чо-ралар изланмоқда.

Жамоа шартномасида корхонада хиз-мат қилаётган аёлларга алоҳида имти-ёзлар жорий этилган. Чунончи, балоғат ёшига етмаган тўрт ва ундан ошдиқ фар-зандлар тарбияси билан машғул она-ларга ойлик маоши сақланган ҳолда қисқартирилган иш соатлари белгилан-ган. 14 ёшгача фарзанд ёҳуд ногирон бола тарбиялаётган аёллар, ҳомиладор оналарга 20 соатдан кам бўлмаган қис-қартирилган иш ҳафталари жорий этил-ган. Шунингдек, икки ва ундан ошдиқ фарзанди бор 65 нафар аёлларга қўшимча меҳнат таътиллари жорий эти-либ, 1,1 миллион сўм миқдордаги маб-лаг тўлаб берилган.

Корхона тараққиётига ҳисса қўшган,

кўп йиллик умри, меҳнатини шу жойга сингдирган 2003 нафар ходим самара-ли хизматлари учун рағбатлантирилди. Кўп сменадаги фаолият учун 606 нафар кишига меҳнат таътилига қўшимча 12,5 миллион сўм миқдорда маблаг тўланди. 2067 нафар киши эса таътил олди-дан моддий кўмак олди.

«Ҳомиёлар ва шифокорлар йили» му-носабати билан ходимлар шарт-шaroити яхшилаш, улар турар-жойларини тартибга солиш масала-си ҳал этиляпти. Чун-ончи, Ширин шаҳрида-ги бир қанча кўп қават-ли уйлари таъмирлаш, иссиқ-совуқ сув билан таъминлаш масаласини хиссадорлик жамияти ўз гардағига олган.

Ходимлар саломатли-ги муҳофазаси, уларни чиниктириш диққат-марказда бўлаётир. Корхонада ишлаб чиқариш гимнастика-си жорий этилган. 86 нафар ходим ана шу йўл билан саломатликларини мус-таҳкамлаб келяпти. Шунингдек, каса-ба уюшма кўмитаси томонидан мада-ний-спорт ишларини ривожлантириш ва рағбатлантириш мақсадларига катта маб-лаг сарфланган. Меҳнаткашларнинг 81 нафар фарзандлари бепул дам олди-рилиб, 58 нафар ходим сиқатгоҳларда хордиқ чиқаришди.

Бир сўз билан айтганда, Сирдарё электр станцияси хиссадорлик жамияти маъмурияти ва касаба уюшма ташкило-ти жамоа шартномаси ижросини таъ-минлаш, ходимларни имтиёзлар қўри-шга олиш борасида тинмай изланиб келмоқда.

Нурилла ШАМСИЕВ, «Ишонч» мухбири

ОЙЛИК МАОШЛАРИ САҚЛАНГАН ҲОЛДА

бунда етказилганини кей-инчалик эшитди. «Анджонёғмой» жамоаси совун пиширувчи Мухтор-жон Рахимовни дарад чанга-ғалига ташлаб қўймади. Бир гал совун пишириш цехи бошлиғи Шакарбек Маъруфов (ҳозирда бую муҳандис), касаба уюшма ташкилоти раиси Шароабди Тўхтабоев ташириш бу-юрса, бир гал таъминот бўлими мудри Муҳаммад-жон Хурбоев бошлиқ фаол-

ча кўтарилган аралашма жунбушага келди. Унинг бир қисми оловли лавага айла-ниб, идишлардан тоша бош-лади. Бўйни ва елкасини ёпишқоқ масса куйдираёт-гани сезмай қолди ҳам. Бу юқорига салбиб атрофга сочилаётган қайнатма оқими эди. Мухторжон жон ҳола-да ўзини эшикка урмоқчи бўлди. Бироқ, остонага ет-май, йиқилди.

Анчадан кейин хушига келди. Хатто киприқлари ҳам мижжаларига тиб қаби санчилиб, азоб бераётган-ди. Қўллари, кўкраклари, елкалари оқ дока билан боғлаб ташланганди. Боши-да энгачиб турган оқ ҳа-латли шифокорлар, тумбоч-ка устидаги дори-дармон-ларга кўзи тушаркан, касал-хонада эканлигини пайқади. Ҳамкасблари фалокат усти-га келиб қолганликларини, шаҳар шовишнинг тиббий ёрдам марказига зудлик

бўглик ҳолда жароҳатлани-ши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатли-гининг бошқа хил шикастла-ниши тўғрисида қўриқчилар зарарни тўлаш қоидалари-ни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарориде ана шу жиҳатлар ўз ифодасини толган. Шу-нингдек, ҳукумат томонидан «Ишлаб чиқаришдаги бах-тисиз ҳодисалар ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғриси-

да» Низом ҳам ишлаб чи-қилган.

Корхонада бахтсиз ҳо-диси келтириб чиқарган са-бабларни аниқлаш ва М.Рахимовнинг оиласини моддий қўллаб-қувватлаш юзасидан махсус комиссия тузилди. Таркибига жамият фаолларидан 5 киши кирити-либ, корхона раҳбари Ба-ҳодиржон Қўчқоров гуруҳ-га раҳбар этиб тасдиқлан-ди. Ҳодиса сабаблари «Ан-джонёғмой» касаба уюш-ма кўшма йиғинида чуқур таҳлил қилинди. Мар-ҳумнинг оиласига етказил-ган зарарни қоплаш, шу-билан бирга барча иш уча-

стқаларида меҳнат муҳофа-засини кучайтириш чо-рат-тадбирлари белгиланди. Мухомма жароғиде техно-лог К.Мирзақоимов ишда суствакчилик йўл қўйгани-ги таъкид остига олинди.

Бахтсиз ҳодиса жойи — совун пишириш цехини ре-конструкция қилиш ҳақида тўхтама келинди.

Яқинда корхонада бўлиб, совун пишириш цехидан янгилашиллар билан қизик-дик. Цех ёғ тушса ялагудек

ЎЗИНГА ЭҲТИЁТ БЎЛ

Бир қадар ранжиде қилар-дилар. Меҳр-муруват, са-ховат ҳукмрон жойда дард енгиллашади. Шунданми, бемор дори-дармонлардан, иссиқ-совуқдан камчилиқ сезмади.

Афсуски, муолажалар, дори-дармонлар фойда бермади. Қуйишдан ҳосил бўлган оғир тан жароҳати Мухторжонни ҳаётдан олиб кетди.

Инсонпарварлик, адолат халқимизнинг энг олий қа-дрийатларидан биридир. Меҳ-нат Кодекси ҳамда Вазир-лар Маҳкамасининг «Ходим-лар уларнинг меҳнат ва-зифаларини бажариш билан

боғлиқ ҳолда жароҳатлани-ши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатли-гининг бошқа хил шикастла-ниши тўғрисида қўриқчилар зарарни тўлаш қоидалари-ни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарориде ана шу жиҳатлар ўз ифодасини толган. Шу-нингдек, ҳукумат томонидан «Ишлаб чиқаришдаги бах-тисиз ҳодисалар ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғриси-

да» Низом ҳам ишлаб чи-қилган.

Корхонада бахтсиз ҳо-диси келтириб чиқарган са-бабларни аниқлаш ва М.Рахимовнинг оиласини моддий қўллаб-қувватлаш юзасидан махсус комиссия тузилди. Таркибига жамият фаолларидан 5 киши кирити-либ, корхона раҳбари Ба-ҳодиржон Қўчқоров гуруҳ-га раҳбар этиб тасдиқлан-ди. Ҳодиса сабаблари «Ан-джонёғмой» касаба уюш-ма кўшма йиғинида чуқур таҳлил қилинди. Мар-ҳумнинг оиласига етказил-ган зарарни қоплаш, шу-билан бирга барча иш уча-

рора, тоза. Дам олиш хо-наси шинам. Илг-иссиқли-гидан ходимлар энгил кий-имда. Электр чойнакда ач-чиқ кўк чой чойхўрларга мунтазир. Бир қадар нари-да кўркан ошқона. Бу ерда ишчиларга кунинг уч маҳал-дан бепул таом берилади.

Тиббиёт хонаси, душ кеча-кундуз ишловчилар хизматида. Корхона ҳузур-ида ташкил этилган чорва-чиликка иختисослашган ёр-дамчи хўжалиқнинг айниқ-часи, нафи катта бўляпти. Хайит байрами афзалари-да ёғмойчиларга бепул гўшт маҳсулотлари тар-қатиш боиси шундан.

Аҳамиятлиси, зарарли шaroитларда меҳнат қи-лаётган ходимлар сут, қатиқ каби парҳез таомлардан баҳраманд. Бир вақтлар хувилаб ётган чорва фер-масида бугун 100 бошга яқин қорамоллар, қўй-қўзи-лар парвартишланмоқда.

Юқорида совун пишириш цехидаги ўзгаришдан гап очқандики. Жамоага янги ет-қачки Баҳодиржон Қўчқо-ров ишга келгач, янгилашиллар билан қизик-дик. Цех ёғ тушса ялагудек

масининг роли ва нуфузи ортиб борапти. Унда иж-тимоий ҳимоянинг муҳим шартлари — кам таъмин-ланган, боқувчисини йўқотган оилаларга мод-дий ёрдам қўрсатиш, она-лик ва болаликни муҳо-фаза қилишга урғу бер-рилганлиги кўнглини ну-рлантиради. Шартномада болали аёлларга ҳақ тўла-надиган қўшимча таътил бериш, зарарли шaroит-ларда ишловчи ёлланма ходимларни рағбатланти-риш, кўп болали оилалар-нинг фарзандларини оромгоҳларда бепул дам олдириш каби имтиёзлар борлиги бизни қувонтира-ди.

Корхона цехларида ҳаёт қайнапти. Ойига 400 тонна шрот ва шелу-ха ишлаб чиқариляпти. 14 та муқобил савдо шохоб-часи жойларда фермер хўжалиқларига хизмат қишлоқда. Эндилдики қишлоқ мулкдорлари ол-диндан 100 фоиз тўлов-ни амалга оширган ҳолда, ўзларига тегишли шрот, шелуҳа, усимлик ёғини қўшиб шохобчадан харид қилиб оляптилар. Бу корхонанинг молиявий аҳолини яхшилашинида кўл келяпти.

Собиржон РЎЗИМАТОВ, «Ишонч» мухбири




Энгинни учиршдан кўра унинг олдини олган афзал. Буни яхши билган Чироқчи туман ИИБ 'Кўкдала' 8-сон касбий ёнгин хавфсизлиги ходимлари аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишлари олиб бормоқдалар. Хусусан, жойларда ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя этилиши, ўт учирши воқеаларининг ишлатилиши, офат рўй берганда қандай ҳаракат қилиш кераклиги ҳақида те-

ОЙДИНЛИК КИРИТИБ БЕРСАНГИЗ

Саволингизга Ўзбекистон касаба уюшмалари ташкилий ишлар бўлими мудири Вали Кочкаров жавоб беради

Савол: Красногорск геология қидирув экспедициясида кадрлар бўлими етакчи муҳандиси ва моли бўлимида 0,5 ставка ишлайман. 2004 йилда мени касабакўм раисни этиб сайлашди ва қўшимча энг кам иш ҳақининг икки баравари миқдорида ҳақ тўлаб келинди. Энд...



М.АНИЛОВА, Тошкент вилояти Красногорск шаҳри Жавоб: Ўзбекистон касабакўм раисининг 1999 йил 15 июндаги қарори билан тасдиқланган "Касаба уюшмаси аъзолиги бадалларини барча даражадаги касабакўм уюшма органларида тақсимлаш ва касабакўм уюшмаси бюджетни маблағларини сарфлаш тўғрисидаги Низом"нинг 5-бандида "...асосий ишдан озод қилинмаган касабакўм уюшма раисларига ойига энг кам иш ҳақининг икки баравари миқдорида қўшимча ҳақ тўлаш рўхсат этилади, лекин бу бошланғич ташкилотлар ихтиёрида қолган аъзолик бадалларининг 1/3 қисмидан ошмаслиги керак" деб белгилаб қўйилган.

рибонлик уйи" тарбияланувчилари Сетора Хамроқуллова, Нигора Гуломовалар тўғрисида фаол аъзолари ҳисобланади. Тўғрагимизга қатнашган барча ўғил-қизларимизда шеърят, адабиёт ва санъатдаги кўрик-танловларда фаол иштирок этиб келишмоқда. Хусусан "Зарб-2005" ёш доирачлар танловида 2-ўринни, "Менин Ватаним" ёш мусафирлар танловида 1-ўринни эгаллашди. "Ёш хунармандлар" танловида эса 1 ва 2-ўринларга сазовор бўлишди. Жонқур мураббийларнинг самарали меҳнатлари боис вилоят болалар ва ўсмирлар ижодиёт уюв-тарбия мажмуаси 7 йилдан буюн республикамиздаги турдош саройлар орасида биринчи ўринни эгаллаб келмоқда. Хикматулло ҚОДИРОВ, «Ишонч» мухбири

Биздан сўраган эдингиз

Савол: Менинг ёшим 54 да. Умумий иш стажим 33 йил. 14 йил ўрта мактабда ўқитувчи бўлиб ишладим. Охириги 10 йилдан буюн "Олимпия ўринбосарлари" махсус спорт мактаб-интернатида йуриқчи-услубчи бўлиб ишлаб келмоқдам. Имтиёзли пенсияга чиқишим мумкинми? Р.РАДЖАБОВ, Бухоро шаҳри Жавоб: Педагог ходимлари пенсия билан таъминлаш тартиби Қонун билан белгиланади. Вазирлар Маҳкамасининг...

ИМТИЁЗЛИ ПЕНСИЯГА ЧИҚИШИ МУМКИНМИ?

Саволингизга Ўзбекистон Таълим ва Фан ходимлари касабакўм уюшма Марказий кенгаши бош мутахассиси Йўлдош Аҳмедов жавоб беради

1994 йил 12 майдаги 250-қарори билан тасдиқланган 3-руйхатнинг VII қисмига асосан умумтаълим муассасаларининг педагог ходимлари умумий белгиланган пенсия ёшидан 5 йил олдин, яъни аёдан 50 ёшдан, эркаклар 55 ёшдан камда 25 йиллик махсус иш ста-

ЯНГИ АВИАРЕЙСЛАР

"Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиаконаниси жорий йилда «Самарқанд-Симферополь» ва «Тошкент-Самарқанд-Бухоро-Ургенч» йўналишлари бўйича янги йўналишни йўлга қўйди. Баҳорги - ёзги мавсумда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» хизматидан фойдаланувчилар сони кўпайиши туфайли ушбу тадбирни амалга оширишни режалаштирдик, - деб таъкидлади Самарқанд халқаро аэропорти директори Алишер Шамсидинов. Унинг сўзларига кўра, янги йўналиш йўловчиларни, айниқса, юртимизга келаётган қўлаб сайёҳларнинг вақтларини тежаш билан бир қаторда, Буюк Ипақ йўлидаги кўча шаҳарларни авио-йўналишлари билан узаро боғлаш имкониятини беради.

ХАЙРИЯ ДАСТУРИ ДОИРАСИДА

Бухоро вилояти «Махалла» хайрия жамғармаси томонидан Ромилан туманида яшовчи биринчи гуруҳ ногиронларига инсонпарварлик ёрдами кўрсатилди. Хайрия тadbiri туман тадбиркорлари, шунингдек, Бухоро шаҳар «Камолот-Ёшлик» хусусий корхонаси ташаббуси билан амалга оширилди. «Ўтабек» маҳалла фуқаролар йиғини оқсоқоли Эсон Бойқов, биринчи гуруҳ ногиронлари Қосим Бозоров, София Қойилмова, Тўхта Собиров, Жобир Холлиқовлар қўрсатилган ёрдам ва эълан бор учун ҳомиёларга чуқур миннатдорчилик билдиришди.

КОММУНАЛ ТЎЛОВЛАР ХУСУСИДА

Саволингизга ТДЮИ ўқитувчиси Замира Эсонова жавоб беради

Шу билан бирга шу халқ қилув қарори устидан 20 кун ичида тарафлар апелляция шикоятни беришлари, прокурор протест келтириши мумкин. Агар бу муддат ўтиб кетган бўлса, қонуний қўчқа қирган, апелляция тартибда қўрилмаган ҳал қилув қарорлари устидан суднинг ҳал қилув қарори чиққан кундан эътиборан 1 йил ичида тарафлар даъвога асосан эътироз билдирмас, иш сирдан жой иритиш тартибда қўрилиши мумкин. Жавобгар тегишли тартибда хабардор қилинганлиги ҳақида ишда маълумот бўлиши лозим. Ишни қўриш натижасида суд мажлисида келмаган тарафга сирдан чиқарилган ҳал қилув қарорига нусхаси шу қарор чиқарилган кундан эътиборан 5 кундан кечиктирмай юборилади. Жавобгар ҳал қилув қарорини сирдан чиқарган судга шу халқ қилув қарори чиқарилгандан кейин 15 кун ичида уни қайта қўриш ҳақида ариза беришга ҳақли.

Самарқанд вилоят болалар ва ўсмирлар ижодиёт уюв-тарбия мажмуасида 3000 нафарга яқин ўқувчи 66 та тўғрақлар орқали билим кўникмаларини мустахкамлаб келмоқда.

Самарқанд вилоят болалар ва ўсмирлар ижодиёт уюв-тарбия мажмуасида 92 нафар педагог ходимнинг 5 нафари "Халқ таълими аълочилиги" нишонига эга. Таниқли ижодкор, педагог Олдор Дамин, уларнинг бири "Тошдаги қуллар", "Сабр хайкали", "Улмас даҳолар", "Болаларга қирқ ҳадис" каби асар ва қатор рисолалар муаллифи ўқув-тарбия мажмуасининг "Ёш мухбирлар" тўғрагини ҳам бошқариб келмоқда. Тўғраққа вилоятдаги турли мактабларда ўқийдиган 30 нафардан зиёд ижодкор ёшлар жалб қилинган. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, 6-сонли "Меҳ-

ИЖОДИЁТ ЎҚУВ - ТАРБИЯ МАЖМУАСИ

атта қизиқиш жуда кучли, - дейди Олдор Дамин. - Уларнинг орасида ҳатто 2-3 та тўғраққа мунтазам қатнайдиганлари ҳам бор. Иқтидор эгалари республика миқёси-

ҲАҚ-ҲУҚУҚИМИЗНИ БИЛАЙЛИК, УНИ ҲИМОЯ ҚИЛА ОЛАЙЛИК

ВАЗИФАМИЗ ФАҚАТ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ЭМАС

Ҳозирги кунда туманимизда қўлаб кичик корхона, фирма ва яққа тадбиркорлар фаолият кўрсатишмоқда. Улар ишлаб чиқариш, савдо, хизмат кўрсатиш соҳаларининг ривожланишига ўз ҳиссаларини қўшиб келишмоқда. Бўлимизни вазифи эса ана шу ишбилармонларнинг қонун доирасида ишларини таъминлашдир. Аммо бундан ташқиролари нозорат қилиш, деб тушунамаслик керак. Аксинча, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва мажбуриятларини тушунириш фаолиятимиз асосини ташкил этади. Чунки баъзи тадбиркорлар ҳуқуқий саводи камлиги туфайли ҳар хил муаммоларга дуч келишмоқда. Яқинда бўлим ходимлари "Чорсу" бозорига ишлаётган ишбилармонлар билан учрашув уюштирди. Улар мамлакатимизда шу соҳа бўйича амал қилаётган қонунлар билан таништирилди. Ақиди марказлари бўлмаган алкохол ва тамаки маҳсулотлари билан савдо қилиш, савдодан тушган пулни нозорат-касса машиналари ҳисобига киритмаслик ҳамда банк муассасаларига топширмамаслик ҳолатлари маъмурий ва жиноий иш кўзга тилишига сабаб бўлиши ҳақида батафсил тушунча берилди. Тингловчиларнинг саволлари асосан тадбиркорликка оид Фармон ва қарорлар юзасидан бўлди. - Утган йил бу борада Юртбошимизнинг бир неча Фармон ва қарорлари эълон қилинди, - деди туман прокуратураси ҳузурдаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бўлими бошлиғи ўринбосари З.Ирғабон. - Бу тадбиркорларнинг эркин фаолият юритиши, ҳар хил текширишларни чеклаш имконини беради. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони олиб қўйилди. Унга асосан тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чоралари фақат суд орқали қўрилиши жорий этилган. Бу нозорат органларининг ишбилармонлар фаолиятига аралашувини камайтириш, уларнинг ҳуқуқий манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш имконини беради. Президентининг яна бир фармонида микрофирмалар ва кичик корхоналар солиқлар, йиғимлар, ажратмалар ҳамда бошқа мажбурий тўловлар бўйича барча ҳисоб-китобларни давлат солиқ хизмати органларига чорада бир марта тақдим этиб бериш қўзда тутилган. "Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонда эса микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликларнинг моливий-ҳўжалик фаолияти ҳар тўрт йилда кўпи билан бир марта, бошқа тадбиркорлик субъектларини ҳар уч йилда кўпи билан бир марта режа асосида текшириш ўтказилиши кўрсатилган. Тадбиркорларга тушунтириш ишларини олиб боришда бизга ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, солиқ, жамоат ташкилотлари яқиндан ёрдам бериб келмоқда. Айниқса, маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари билан ишлаш фойдали бўлмоқда. Шу боис Абу Али ибн Сино, Хувайдо номли, "Оқтепа" ва бошқа маҳаллаларда ана шу мавзуда ўтказилган мулоқотлар самарали бўлди. Учрашувларда ходимларимиздан Марат Жалилов, Феруз Абдувалиев, Тolib Шорустамов, Валиқўжа Норхўжаевлар қатнашди. Улар ҳозирги кунда тадбиркорларни қийнаётган муаммоларни қандай қилиб ечиш йўллари қонун доирасида тушунтириб беришди. Утказилган сўхбатлар, учрашувлар ўз самарасини бермоқда. Хусусан, утган бир-икки йил ичида тадбиркорлар томонидан қонунбузилишларга йўл қўйиш анча камайди. Ф.АБДУВАЛИЕВ, Шайхонтохур туман прокуратураси қошидаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бўлими катта инспектори

Мен бу воқеани қаламга олишдан олдин у кимларнидир ранжитиб қўймасмикин, ўқувчида ноҳус таассурот уйғотмасмикин, деб юз бор аниқлаш бордим. Охири... Начора, ҳаёт сабоғи бундан-да аччиқ. Кўз ўнгингда бўлаётган воқеаларни қўриб-қўрмасликка, билиб-билмасликка олиш, томошани бўлиш эса гуноҳ. Агар Шовотда икки ярим йил муқаддам содир этилган жиноятга ўз-ўзидан адолатли ҳуқуқий баҳо берилганда, иш гоҳ шартли жазо бериш, гоҳ озоликдан маҳрум қилиш тарзида судга-суд ўтказилмаганда, охири-оқибат Отабек ўйдан бош олиб номаълум томонга кетмаганда, балки ушбу мақоламиз ҳам ёзилмаган бўларди. Шундай бўлсада, айрим мулоҳазалар туфайли мақолада судланувчидан бўлак ёшлар исминини одоб юзасидан бошқача номлашга ҳажм қилдик.

Хуллас, Отабек ўша кунги ҳаётини кейинчалик алғов-далғов қиладиган воқеа содир бўлиши олдиндан билмаган, суд ажримларидан маълум бўлишича, олдиндан режалаштирмаган ҳам. Куннинг иккинчи ярмида акиси Ҳаёт билан қўмилиб келиш учун марказий кўчага чиқиб тенгқурлари билан сўхбатлашиб турганларида оқ рангли "Тико" машинаси олдиларидан ўтиб тўхтаган. Машинада ўтирган Лобар исми таниш қиз худди унинг ниятини олдиндан билгандек, қўмилиб келишга таклиф қилган. Шу ҳолосми? Йўқ, ҳаммаси шундан кейин бошланган. "Айтишларича, буюк Колумб Америка соҳилларига яқинлашганда, океанга қўйилган дареълардан оқаётган чучук сувли оқимни кўрганда, қаршидада бутун бошли қитъа эстаниб ётганини пайқайди, орол, деб ўтиб кетган экан. Колумбининг хатоси Америко Веспуччининг буюк кашфиётига йўл очди. Маҳалла қўмитасининг судга ёзган илтимосномасида қайд этилишича, "Намунали зивели оила - Бикажон ақанининг оқ ювиб, оқ тараган фарзанди" Отабекнинг хатоси-чи?

У таклифга рози бўлиб, дўсти Комилбек билан яна икки нотаниш қиз ўтирган машинага миниб ишдан ўзининг фожели қисмати сари юз тутмадими? Машина Шовот каналининг кўпригидан ўтиб, газ идораси ёнidan ўнга бурилиб, иккинчи сув чиқариш насоси олдига тўхтади. Канал бўйида аввал Комилбек, кейин Лобар ечиниб сулғаб тўшишди. Отабекнинг судда хотирлашича, нотаниш қизлардан бирининг исми Шарофат, иккинчиси Гузал эканини у шу ерда билган. Қизлар 20-25 дақиқача қўмилиб, сўнг гап-сўз ўтирганларида Отабек "Юр, гап бор" деб Гузалнинг қўлидан ушлаган. У ҳам "яҳши" деб ўрнидан турган. Улар канал бўйлаб бўя ва тураниб ўсиб турган томонга кетишган... Гузал суддаги кўрсатмасида Шовот бозори ёнида жойлашган дўкон олдида Лобар машинани

Қилни қирқ ёриб...

тди ҳукм қўланиб бир йил синов муддати билан озодликка чиққандан сўнг уйлантириш масаласини кўзгамаганили, кейин Жуманиёзовларга "Тошкентдан жой олиб беришлар, кўчиб кетамиз" дейишига рози бўлишиб, амалда Ангрендаги бир хонадонга олиб бориб, ҳақоратлаб қолдириб кетганликлари учун дастлабки суднинг ҳукмини бекор қилишни сўраган. Аслида ҳам Гулран туман судининг ҳукми вилоят суди кассация судлов ҳайъати ажрим билан бекор қилиниб, иш янгидан биринчи босқичда қўриш учун Шовот туман судига юборилган эди. Шовот туман суди судланувчини суд терговига қилишдан бош тортганда, унинг ахтиёт чорасини қамоққа олиш қилиб белгилаб, судланувчи топилганга қадар жиноят иши-

САЁҚ ЮРГАН ТАЁҚ ЕЙДИ

лар билан кафеларда бўлганидан, машина уларни қайсидир уйларга элтганидан қандай қилиб беҳабар қолишди? Мактаб, жамоа, маҳалла қўмиталари кенг жамоатчилик бўлаётганнинг боши берк кўчага қилиб бораётганини кўра билди туриб нега сукут сақлаймиш, бонг урмаймиз. Жиноий ҳолат суд ажримининг 17 июлда соат бешлар чамаси онанинг топшириғи билан бувишининг уйига нон ва овқат олиб кетаётганда ёнига танишлари Шарофат, Лобар ва олдинги ўринда икки нотаниш йигит ўтирган "Нексия" автомашинаси келиб тўхтаган. Шарофат унинг бувишиникига овқат олиб кетаётганини билган, "машинага мин, эски стадион ёнида тушириб ўтамиз" деган. Лекин машина айтилган манзида тўхтамаган. Улар қайсидир чойхонада овқатланишгаётганда ҳайдовчининг исми Рустам, ёнидагиси Қодир экани маълум бўлган. Кейин даврада турган кунини нишонлаётган Жасур ис-

Республика Кўчмас мулк биржаси биржа савдоларига таклиф этади! Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар худудий бошқармаси томонидан РКМБ тизимида ҳафтанинг душанба, чоршанба ва жума кунлари бўлиб ўтадиган марказлашган электрон биржа савдоларига Respublika ko'chmas mulk birjasi To'shkent shahar filiali мақориди орқали 2006 йил 1 мартдан бошланган тарихга нисбатан Босқичма-Босқич пасайиш механизми қўлланиладиган қуйидаги давлат улуши қўйилди. Тошкент шаҳар, С.Раҳимов тумани, Мухбир кўчаси, 2-уй манзилида жойлашган "OLIMPIYA" МЧК Низом жамғармасидаги 25 фойзлик давлат улуши. Болонғин бəхоси - 41 709 350 сўм. Савдоларда РКМБ рўйхатидан ўтган малакали брокерлар Сизнинг хизматингизда бўладилар. Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишиңиз мумкин. Тошкент шаҳар, Бухоро кўчаси, 10-уй, 3-қават, 35 ва 45-хоналар. Телефонлар: 136-15-29, 136-28-75, 144-44-72 144-44-73. Эслатма: РКМБ электрон биржа савдолари жараёнида савдога қўйилган объекта икки ва ундан ортқ харидор томонидан қизиқиш билдирилган ҳолда савдо аукцион кўринишида давом этиб, нархлар эркин шаклланади.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари ва фермер хўжаликларига диққатиңиз! "TULPOR" савдо уйи масъулияти чекланган жамияти Россия Федерациясининг барча турдаги "УАЗ" автомобилларини икки нўсха ҳақида пул ўтказиш йўли билан, шунингдек, кредит асосида сонининг мошум қилади. Автомобилларга буюртмалар ҳам қабул қилинади. Автомобилларга бəхоси сонининг туланган. Уларнинг сифати тула қафолатланади. Мурожаат учун телефонлар: (8-371) 117-46-10; 76-33-31 Факс: (8-3712) 76-77-20.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари ва фермер хўжаликларига диққатиңиз! "TULPOR" савдо уйи масъулияти чекланган жамияти Россия Федерациясининг барча турдаги "УАЗ" автомобилларини икки нўсха ҳақида пул ўтказиш йўли билан, шунингдек, кредит асосида сонининг мошум қилади. Автомобилларга буюртмалар ҳам қабул қилинади. Автомобилларга бəхоси сонининг туланган. Уларнинг сифати тула қафолатланади. Мурожаат учун телефонлар: (8-371) 117-46-10; 76-33-31 Факс: (8-3712) 76-77-20.

